



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 23 yil “25 ”январь

№ 16

Toshkent sh.

Илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий, амалий ва фундаментал ишланмалар ва уларнинг натижасини амалиётга жорий қилиш хақида

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон ва 2019 йил 19 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 606-сон қарорларига асосан тиббиёт ва фармацевтика илм-фан тизимини ривожлантириш, олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) тасарруфидаги тиббиёт олий таълим муассасалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда илмий текшириш институтлари (кейинги ўринларда – илмий ташкилотлар) қошида мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши (кейинги ўринларда – Эксперт кенгаши) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар:

Эксперт кенгаши фаолияти тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофик;

Илмий, амалий ва фундаментал ишланма, монография, ўқув, услубий қўлланма, тавсияномаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансини.

3. Илмий ташкилотлар раҳбарлариға:

илмий-амалий ишланма, монография, услубий тавсиянома ва қўлланма ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тасдиқланган хужжатлар ҳисоботини ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5 санасига қадар вазирликнинг Фан ва таълим бошқармасига тақдим этиш;

Эксперт кенгаси аъзолари фаолият юритаётган ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 517-сон қарорига мувофик уларни рағбатлантириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. “IT Med” МЧЖ (А.Ҳакимов) бир ой муддат ичида илмий-амалий ишланма ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш тўғрисидаги расмий хужжатларнинг ягона электрон реестрини яратиш чораларини кўрсинг.

5. Фан ва таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов) Эксперт кенгаси фаолияти юзасидан мониторинг юритсин ҳамда ҳар ойлик фаолияти юзасидан таҳлилий маълумотларни раҳбариятга тақдим этиб борсинг.

6. Матбуот ва PR хизмати раҳбари (Ф.Санаев) бир хафта муддатда мазкур буйруқнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали кенг жамоатчиликка етказсин.

7. Ташкилий нázорат бошқармаси (У.Турабов) бир кун муддатда мазкур буйруқни вазирлик марказий аппаратининг тегишли тузилмалари ва Вазирлик тасарруфидаги ташкилотларга етказилишини таъминласин.

8. Мазкур буйруқ кабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 18 ноябрдаги 300-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисблансин.

9. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Иноятов



Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил “25” январ даги
16-сонли буйругига
1-илова

Эксперт кенгаши фаолияти тўғрисида Низом

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) тасарруфидаги илмий ташкилотлар қошида мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши (кейинги ўринларда – Эксперт кенгаши) фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Эксперт кенгаши:

илмий тадқиқотлар сифатини халкаро стандарт даражасига кўтариш, тиббиёт йўналишидаги илмий ишланмалар сифатини ошириш мақсадида ташкил этилади;

тиббиёт соҳасида илмий тадқиқот ўtkазиш жараёнини ва натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига кенг татбиқ қилиш фаолиятини назорат қилади ва амалий ёрдам берувчи орган саналади;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларга амал қилади.

илмий кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ва нашрлар сифатини ошириш, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ қилиш масалалари бўйича вазирликнинг Фан ва таълим бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорлик қилади.

2-боб. Эксперт кенгашининг таркиби ва тузилмаси

3. Эксперт кенгаши раиси йилига бир марта соғлиқни сақлаш вазири томонидан тайинланади.

4. Эксперт кенгашини бошқариш йўналишлар кесимида раис томонидан амалга оширилади, раис йилига бир марта Кенгаш таркибини тасдиқлайди ва фаолияти, амалга оширилган ишлар натижаси тўғрисида вазирликнинг Фан ва таълим бошқармасига ҳисбот топширади.

5. Эксперт кенгашининг таркибига камида 5 йиллик илмий иш стажига эга бўлган ва нуфузли хорижий журналларда мақолалар чоп этган тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва тиббиёт фанлари докторидан (DSc) иборат бўлган тоқ сонда камида 5 нафар мутахассислар танланади ва Эксперт кенгashi раиси томонидан йилнинг январь ойида тасдиқланади.

Бунда, Вазирлик тасарруфидаги илмий ташкилотлар илмий кенгашлари аъзолари Эксперт кенгashi аъзолигига тайинланмайди.

3-боб. Эксперт кенгашининг асосий вазифалари

6. Куйидагилар Эксперт кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

жаҳоннинг исботланган тиббиётига асосланиб даволаш, ташхислаш, профилактика, реабилитация, фармацевтика соҳасида илм-фан, моддий-техник базани ривожлантириш мақсадида қисқа, ўрта, узок муддатли истиқболли режа ҳамда устувор йўналишларни белгилаш ва уларни вазирликка таклиф сифатида мунтазам киритиб бориш;

илмий-амалий ишланма, монография, услубий тавсиянома, қўлланма ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича хулоса ҳужжатларини кўриб чиқиш;

илмий-тадқиқот ишини тажриба синовидан ўтказилиши, натижалар иқтисодий самарадорлигининг таҳлил қилиниши, фойдали модел, ихтиро, ЭҲМ дастурий маҳсулот ҳужжатларини ва ҳақиқийлигини таҳлил қилиш;

таълим йўналиши, мутахassisliklar бўйича кенг қўлланиладиган замонавий дастурний маҳсулотлар (ўкув-услубий қўлланма, ўкув қўлланма, дарслик, амалий машгулот ва маъруза жараёнидаги ўкув-услубий усуслар, технологиялар ва х.к.)ни тасдиқлаш;

илмий-тадқиқот (диссертация) мавзусини Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши, тиббиёт муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ шакллантириш ва тасдиқлаш;

илмий-тадқиқот ишлари бўйича фундаментал, амалий, стартап, инновацион лойиҳа мавзулари дастурини тайёрлаш ҳамда қисқа, ўрта ва узок муддатли эксперт хулосасини шакллантириш;

илмий-тадқиқот режасини назорат қилиш ва баҳолаш;

тиббиёт, фармацевтика, биология йўналишидаги муаммоли жабҳаларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда амалий ёрдам бериш;

республика тиббий амалий-илмий журналлари нашрининг сифатини халқаро стандартга мувофиқлаштиришда қатнашиш;

республика тиббий амалий-илмий журналлар нуфузини ошириш ва халқаро маълумотлар базаси (Scopus, Web of Science, Elsevier)га киритишда амалий ёрдам бериш;

вазирлик тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишлаб келаётган, илмни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган мутахассис ва илмий даражага эга бўлган тиббиёт ходимларига мавзу танлаш, тасдиқлаш, илмий тадқиқот ўтказиш, семинар, ўкув курсларини ташкил этиш, ҳимояга чиқишида амалий ёрдам бериш;

тиббиёт муассасасининг аккредитациядан ўтишга мўлжалланган хужжатларини таҳлил қилиш ва тақдим этиш учун тайёрлаш.

4-боб. Эксперт кенгашининг фаолият юритиш тартиби

7. Эксперт кенгashiда масалалар Раёсатда кўриб чиқилади.

Бунда, Эксперт кенгashi Раёсати бошланишидан камида 3 кун олдин тегишли масалалар Эксперт кенгashi аъзоларига тақдим этилади.

8. Кун тартибидаги масалалар юзасидан Эксперт кенгashi аъзоларининг бутун таркиби иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

9. Эксперт кенгashi Раёсатининг хulosаси қарор шаклида расмийлаштирилади ва йиғилишда қатнашган аъзоларнинг оддий қўпчилиги овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

10. Эксперт кенгashi қарорининг моҳияти халқаро қоида ва меъёрларга мос келмаса ёки келишмовчилик пайдо бўлган ҳолларда Эксперт кенгashi ушбу қарорни қайта экспертизадан ўтказиш мақсадида Фан ва таълим бошқармасига юборади ва якуний қарорни бошқарма хulosасига мувофиқ расмийлаштирилади.

11. Эксперт кенгashi Раёсатининг қарори илмий котиб (раис ўринбосари) томонидан расмийлаштирилади ва раис имзоси билан тасдиқланади.

12. Раис баъзи сабабларга кўра Раёсат ўtkаза олмаса, унинг вазифаси раис ўринбосарига юклатилади.

13. Эксперт кенгashi Раёсатининг шаффоғлиги, ҳаққонийлигини таъминлаш, “on-line” кузатиш платформасини яратиш, илмий-тадқиқот натижаси ва бошқа ишланмаларнинг ҳақиқийлиги, долзарблигини тасдиқлаш жавобгарлиги Эксперт кенгashi раисига юклатилади.

5-боб. Эксперт кенгashi аъзоларининг мажбуриятлари

14. Куйидагилар Эксперт кенгashi аъзоларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

илмий, исботланган тиббиётга асосланган малакали, объектив, мустакил илмий-техник экспертиза ўтказиш;

илмий таҳлил, экспертиза давомида ва натижалари бўйича берилган маълумотларнинг маҳфийлигини сақлаш;

илмий ишланмалар, ўкув дастурларини тақдим этган мутахассислар Эксперт кенгаши иш жараёнида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида раис ёки раис ўринбосарини хабардор қилиши ҳамда кейингилар томонидан бартараф этилиши талаб этилади.

6-боб. Эксперт кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

15. Эксперт кенгаши аъзолари куйидагилар учун жавобгардир:

илмий-техник экспертизанинг сифати ва холислиги учун;

услубий тавсиянома, монография, ўкув ва ўкув-услубий ишланмаларнинг кўчирмачиликка қарши (антiplагиат) тизимида текширилганлиги ва оригиналлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларнинг, 2 нафар етук, нуфузли олимлар томонидан берилган тақриз (ички ва ташқи)нинг мавжудлиги;

антiplагиат тизимида текширилган оригиналлик ўкув ишланмалари учун 60 фоиздан, илмий ишланмалар учун 70 фоиздан юқори бўлиши эътиборга олиниши;

монографиянинг тасдиғи учун “Scopus” тизими бўйича “(Хирш h-индекси” 1 дан, “Google Scholar” тизими бўйича “h-индекси” 3 дан кам бўлмаган олимлар томонидан берилган тақризнинг мавжудлиги;

шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши;

7-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Амалга оширилган ишлар бўйича ҳисбот вазирликнинг Фан ва таълим бошқармасига ҳар ойнинг якуни билан топширилиши учун Эксперт кенгаши раиси масъул ҳисобланади.

17. Мазкур низом талабларини бузган, ўз вазифасини бажармаган, қобилиятсизлик ва манфаатлар тўқнашувидан ўз мақсади учун фойдаланган Эксперт кенгаши аъзоси кенгаш таркибидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил “25” Янъяр даги
16-сонли буйруғига
2- илова

Илмий, амалий ва фундаментал ишланма, монография, ўқув, услубий қўлланма, тавсияномаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

I. Эксперт кенгашига монография, услубий тавсиянома, услубий қўлланма, электрон дарслик, қўлланма, маъзуза, анкета-сўровнома ва бошқа хужжатларни кўриб чиқиш учун қуидагилар тақдим этилади:

Илмий, амалий, фундаментал ёки ўқув ишланмани тасдиқлаш учун:

1. Тавсия қилинаётган хужжатнинг матни (электрон варианти ва зарурат бўлганда ёзма тасдиқланган варианти);
2. ОТМ, ИИАТМ ёки ИТИ Илмий Кенгаши мажлиси баённомасидан кўчирма;
3. Антиплагиат текшируви хulosаси.
4. Тавсия қилинаётган хужжат учун 2 та такриз (ички ва ташқи).

Ишланмаларни амалиётга жорий қилиш бўйича хulosса олиш учун:

1. Илмий, амалий, фундаментал ёки ўқув ишланмани Эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган шакли;
2. Тавсия қилинаётган ишланма материалларининг камида 2 та тиббиёт муассасаси томонидан ўтказилган синови ҳисоботи;
3. Ишланмаларни амалиётга жорий қилиш бўйича хulosса лойиҳаси.

Ўтказилган синов ҳисоботида қуидагилар ўз аксини топиши лозим:

1. Синов ўтказилаётган тиббиёт муассасаси;
2. Изланиш мақсади ва вазифалари (изланиш ва унинг моҳияти);
3. Изланиш дизайнни (қиёсланадиган ва қиёсланмайдиган, чекланган ва кенг қамровли ва бошқа турдаги изланишлар);
4. Изланиш ҳажми ва таркиби;
5. Беморларни изланиш гуруҳига киритиш бўйича мезонлар (рўйхатга киритиш ва рўйхатга киритишга монелик қилувчи мезонлар);
6. Изланишда иштирок этган bemorлар сони ва улар тўғрисидаги маълумот (ёши, жинси, ёндош касалликлари, умумий лаборатор таҳлил натижалари жадвал кўринишида);
7. Самарани баҳоловчи клиник, лаборатор ва функционал мезонлар ва улар градацияси;

8. Таклиф этилаётган усулнинг тиббий, ижтимоий ва/ёки иқтисодий нуқтаи назардан фарқ таҳлили (миқдорий кўрсатгичларга асосланган ҳолда);

9. Хулоса, фойдаланилган адабиётлар.

10. Ҳисобот масъул ижрочи томонидан имзоланади ва мазкур тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Диссертация иши натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш бўйича хулоса олиш учун:

1. ОТМ, ИИАТМ, ИТИнинг илмий кенгаши йўлланма хати;

2. Автореферат;

3. Илмий семинар баённомаси (тасдиқланган электрон варианти);

4. Ишланмаларни амалиётга жорий қилиш бўйича хулосанинг Эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган шакли.

5. Диссертация иши натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш бўйича хулосанинг лойиҳаси.

Ш. Услубий тавсияномани шакллантириш учун қўйиладиган талаблар

Услубий тавсиянома – бир ёки бир неча муаллифлар томонидан муайян мутахассислик соҳасидаги алоҳида муаммонинг илмий-амалий ечимиға қаратилган бўлиб ўtkazilgan илмий-тадқиқотга асосланади ва ташхислаш, лаборатор таҳлил, даволаш, реабилитация, профилактика, санитария қоидалари, гигиена, патологик жараённинг экспериментал модели, фармация, фармакотерапиянинг долзарб масаллари, илмий янгиликлари, ташхислаш ва даволаш алгоритмларини яратиш, тиббий анжомларни ишлаб чиқаришга бағишлиданади. Услубий тавсияноманинг шартларидан бири тавсия этилаётган маҳсулот янгилик, оптималлаштириш, модификациялашга бағишлидан бўлиши, бундан олдинги тадқиқотлардан фарқ қилиши зарур. Услубий тавсиянома мавзууси “усул, алгоритм” каби сўзлардан ташкил этиши лозим.

Эксперт кенгаши қарори асосида монография, услубий тавсияномалар ойига 1 марта тасдиқланади.

Услубий тавсияноманинг тузилиши қўйидагилардан иборат бўлиши тавсия этилади

Муқова;

титул вараги;

кириш қисми;

аннотация (муаммонинг долзарбилиги);
тавсияноманинг асосий қисми (илмий тадқиқотнинг қисқа натижаси,
кўлланилган усуllар);
ижтимоий-иктисодий самарадорлик ва уни ҳисоблаш усули;
хулоса;
тавсияноманинг тадбиғи тўғрисида таклиф;
адабиётлар рўйхати (охирги 10 йил);
илова.

Услубий тавсияноманинг техник талаблари


Тавсиянома намунадаги А4 форматда шаклланиши, қаторларо интервал
1,0 пт (бир қатор), атрофдаги майдони – ўнг, юқори ва паст 2,0 см, чап 3,0 см,
абзац 1,0 см, янги қатор 1,2-1,5 см, буклет ҳажми 21x14,5 см, умумий ҳажми
10-20 варақ бўлиши талаб этилади. Ҳар бир бет 3-варакдан бошлиб рақамланади
ва бетлар рақами варақнинг ўнг четида жойлаштирилади.

намуна

ТАШКИЛОТ НОМИ

«Times New Roman» 14 шрифт,
бош ҳарфларда

150 пт



Муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш.

50 пт

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА МАВЗУСИ

«Times New Roman» 14 шрифт,
бош ҳарфларда

(Услубий тавсиянома)

«Times New Roman» 14 шрифт

«Times New Roman» 14 шрифт

Шахар-йил

IV. Монографияни шакллантиришга қўйиладиган талаблар


Монография - бир ёки бир неча муаллифлар томонидан муайян муаммо ёки мавзуни тўлиқ ва батафсил тадқиқ этишга бағишланган илмий ёки илмий-оммабоп нашр. Монография газета ёки журналлар каби катта тиражда чиқариладиган нашрлардан фарқли, битта ёки иккита томдан иборат кам тиражда босиб чиқариладиган асардир. Монографияда танланган мавзу бўйича замонавий адабиётлар ўрганилади, таҳлил қилинади ва маълумотлар умумлаштирилади, ҳамда илмни ривожлантиришга хизмат қилувчи янги гипотеза, назария ва концепциялар илгари сурилади. Докторлик диссертациялари доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг муайян қисми монография кўринишида илмий жамоатчиликка тақдим этилиши мумкин.

Монографиянинг тузилиши қўйидагилардан иборат бўлиши тавсия этилади

Муқова;
титул вараги;
кириш қисми;
асосий қисм;
адабиётлар рўйхати;
илова.

Монография илмий яратувчанлик маҳсули бўлганлиги туфайли унинг ҳажми маълум чегара билан белгиланмайди. Одатда унинг ҳажми олти босма табоқдан кўп бўлади (адабиётлар рўйхатидан ташқари).

ТАШКИЛОТ НОМИ



«Times New Roman» 14 шрифт,
бosh xарфларда

Муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш.



«Times New Roman» 14
шифт

МОНОГРАФИЯ МАВЗУСИ

«Times New Roman» 14 шрифт,
бosh xарфларда

(Монография)

«Times New Roman» 14 шрифт

«Times New Roman» 14 шрифт

Шаҳар-йил

**V. Илмий – тадқиқот ишлари натижаларининг тиббиёт муассасаси
томонидан ўтказилган синови ҳисоботини шакллантириш бўйича
талаблар**

**Ўтказилган синов ҳисоботида қўйидаги маълумотлар акс этиши
лозим:**

1. Синов ўтказилаётган тиббиёт муассасаси номи;
2. Илмий изланиш мақсад ва вазифалари (нима татбиқ этилмоқда ва унинг
моҳияти);
3. Изланиш дизайнни (қиёсланадиган ва қиёсланмайдиган, чекланган ва
кенг қамровли ҳамда бошқа турдаги изланишлар);
4. Кўлланилган усуллар;
5. Беморларни изланиш гуруҳига киритиш бўйича мезон (рўйхатга
киритиш ва рўйхатга киритишга монелик қилувчи);
6. Изланишда иштирок этган bemorlar soni va ular tўғrisidagi maъlumot
(ёши, жинси, ёндош касалликлари, умумий лаборатория таҳлил натижалари
жадвал кўринишида);
7. Самарани баҳоловчи клиник, лаборатор ва функционал мезон ва ular
градацияси;
8. Олинган натижанинг статистика усули орқали ишланган миқдорий
кўрсатгичлари (назорат* ва тажриба гуруҳлари кесимида қиёсланган ҳолда
келтирилади);
9. Таклиф этилаётган усулнинг тиббий ёки ижтимоий, иқтисодий нуктаи
назардан фарқ таҳлили (миқдорий кўрсатгичларга асосланган ҳолда);
10. Хулоса, таклиф ва мулоҳазалар.

Ҳисобот масъул ижрочи томонидан имзоланади ва тегишли тиббиёт
муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

* назорат гуруҳидаги ёндашув ҳозирги замон диагностика ва даволаи
стандартларига мос келиши керак.